



«Усмон фарзандлари эришиб улугликка Аста-секин чикишди зафар чўккисига! Нима эккан бўлсангиз шуни ўрдик биз, Неки очган бўлсангиз, шуни ёздик биз»

Атокли шоир Ахмад Шаукий

Усманийлар давлатининг Ислом ва араб дунёси олдида кўрсатган улкан хизмати - Шимолий Африкада яшаган арабларни европалик салиб юришчиларининг боскинидан химоя қилгани бўлди. Боскинчилар томонидан кўзланган режанинг амалга оширилишида асосий ролни Португалия билан Испания ҳамда салиб юришчиларининг Малъта оролида бошпана топган бўлиб, авлиё Иоан ордени номи ила донг чиқарган ташкилоти ўйнаган. Ўша режага мувофик, Шимолий Африканинг барча сохиллари христиан кироликлар томонидан забт этилиб, Ўрта денгиз охир-пировардида насроний ўлкаларнинг ички кўлига айланиши керак бўлган. Шундан сўнг улар Африка китъасининг жануби томон олга босишни ният қилишган. Аммо Усманийлар давлати насронийларнинг боскинчилиқ ниятларини пучга чиқариб ташлади.

Сомийлар тарихшуноси Абдуллох Маг лус

Шундай даврлар бўладик, Ислом байроги айримлар назарида ҳадемай йикиладигандай кўринади. Бундай пайтларда ҳамиша умматимиз ичидан бир қахрамон топилиб, Ислом

байрогини баланд кўтарганча. булутлар орасида хилпиратади!

Мазкур асарнинг олдинги бобларидан бирида биз денгизчи ака-ука Барбароссалар хакида хикоя килиб, Ислон тарихидаги энг буюк денгиз мухорабаси - Превез жангини тилга олиб ўтган эдик. Миллати грек, кўплаб жанговар сафарларда денгиз саркардаси Барбароссага курулдош хамрох бўлган бир мусулмон денгизчи хам ўша унитилмас мухорабада кўмондонлик килган. Хайриддин Барбароссанинг ўнг кўлига айланиб, кейинчалик Ислоний харбий-денгиз флотига бош кўмондон этиб тайинланган грек кахрамон ўзи ким бўлган?

Турк манбаларида унинг исми Тургут, араб манбаларида эса Драгус бўлиб келмокда. У хижрий 890 йили (милодий 1485 йили) Туркиянинг жануби-гарбидаги, Урта денгиз соҳилида жойлашган Мугла вилоятининг кишлокларидан бирида тугилган. 1972 йили ўша кишлок ўрнида кад кўтарган шахарга Ислон уммати кахрамонининг шарафига Тургут-раис номи берилди.

Тургут юкорида айтилгандек, грек миллатига мансуб бўлиб, насро-ний оилада тарбия топган. Ёши ўн иккига кирган йигитчанинг кобилияти султон Салим Биринчининг акаси султон Каркарутнинг эътиборини ўзига жалб этди. Усманийлар давлатининг харбий-денгиз флотида харбийча тарбия кўрган йигитчанинг ёш калбида Аллох йўлидаги жиходга кизиқиш уйгонди. Хикоямиз кахрамони ўз фаолиятини оддий денгизчи аскар лавозимидан бошлаб, сўнг денгиз артиллериясининг тўпчи аскари бўлди. Султон Салим Биринчи розияллоху анху даврида мамлуклар кўлидаги Мисрни забт этиб, Усманийлар давлати таркибига кўшиб олишда иштирок этган Ислоний флотлардан бирига кўмондон этиб тайинланди. Тургутнинг саркардалик сифатлари айнан Кохира учун кечган жангларда намоён бўлди. Ўша жангдан кейин унинг хаётида, дархакикат, улуг давр бошланди. Тургутнинг флоти Синан пошшонинг Искандарияда жойлашган флотига бориб кўшилди. Ўша кундан эътиборан Тургут салиб юришчиларининг Ўрта денгиз шаркидаги дахшатли тушига айланди. Денгиз хавзасини кезар экан, Тургут салиб юришчиларининг мавжуд флотлари орасида энг кудратли денгиз кучи саналган Венеция Республикаси кемаларига дахшат солиб юрди.

Афсонага айланган машхур денгиз саркардасини ўз довюраклиги ва самимийлиги билан хайратга солган Тургут 1520 йили Хайриддин Барбароссанинг флотига бориб кўшилди. Барбароссанинг ишончини козонган Тургут саркарданинг кизига уйланиб, унинг ўнг кўлига айланди. Шундан сўнг Тургутнинг олдида ижроси жуда мураккаб кечадиган топшириklar кўйила бошланди. Ўрта денгизнинг шаркидан гарбига караб юрган Тургут Андалусиядаги инквизиция зиндонларида христианлар томонидан кийночка солинаётган мусулмонлар ва яхудийлар-ни озод килиш билан банд бўлди. Венеция ва Неаполь кироликлари билан авлиё Иоан ордени флотларига карши жанг килган Тургут бир катор йирик денгиз мухорабаларида голиб чикди. Юкорида тилга олиб ўтилгандек, унинг флоти унутилмас Превез денгиз жангида хам муваффакиятли иштирок этди. Ушбу мухорабада галаба козонилганини эшитган султон Сулаймон Конуний Аллохга хамду санолар айтганча сажда килди.

Хижрий 947 йили (милодий 1540 йили) Корсика ороли якинида ўтган мухорабалардан бирида Тургут салиб юришчиларига асир тушиб колди. Мусулмонлар халифаси султон Сулаймон Конуний розияллоху анху салиб юришчиларидан Тургутни озод килишни сўраб, бунинг учун истаганча эваз сўрашлари мумкинлигини маълум килди. Нодон душман султон хазратларининг ушбу таклифини рад этди. Шунда Ислоний халифаликнинг Хайриддин Барбаросса кўмондонлиги остидаги харбий-денгиз флоти Генуя ҳукуматини

Тургут пошшони озод килишга мажбур килиш учун Италия минтакаси бўлмиш Лигурия киргогига якин бориб, у ерлардаги жамики бандаргоҳдарни вайрон килиш, мавжуд кемаларга карата ўт очиш борасида таҳдид солади. Салиб юришчилари хикоямиз кахрамонини истар-истамас қўйиб юборишди. Туткунликдан халос бўлган Тургут шу заҳоти Аллох йўлидаги жиходини давом этишга киришди. У ҳамиша ўз устози Хайриддин Барбароссанинг ёнида бўлиб, душман кемаларини йўқ қилганча, ороллар кетидан оролларни озод қилиб борди.

Хижрий 943 йили (милодий 1546 йили) Ислом уммати огир жудоликка дучор бўлди, афсонага айланган денгиз саркардаси Хайриддин Барбаросса розияллоху анху халок бўлди. Жамики Ислом олами унинг вафотидан чуқур қайгуга ботди.

Ислом байрогини ким қўтариб бораётгани эмас, Ислом байроги ҳамиша баланд қўтарилгани муҳим. Ислом байрогини баланд қўтарган Тургут бутун Ўрта денгиз бўйлаб кезганча салиб юришчиларга кирон келтирди, Шимолий Африкадаги душман босиб олган шаҳарларни бирин-кетин озод қилиб борди. Тургут озод қилган шаҳарлардан бири Туниснинг Махдия шаҳри бўлган.

Шундан сўнг Усманийлар давлати Триполини салиб юришчилардан озод қилишга аҳд қилди. Мусулмонлар халифаси Сулаймон Конуний розияллоху анху денгиз саркардаси Тургутни халифалик пойтахти Истамбулга чақирди ва Синан пошшо қўмондонлигидаги флот билан бирга Триполини озод қилиш сафарига чиқишни таклиф қилди. Бу мақсадда Сулаймон Конуний розияллоху анху 120 та кемадан ташкил топган қудратли флот тузди. Уша кунлари халифа Сулаймон Конуний розияллоху анху Тургут пошшога Куръони каримнинг бир ўрами билан шамшир тухфа қилди. Тургут пошшо халифанинг таклифини қабул қилди. Чунки Триполи аҳолиси иоанчиларнинг Исломдан нафратланадиган Мальта ордени рицарлари томонидан келтирилаётган мусибатларга дош бериб яшашга мажбур бўлаётганини Тургут пошшо яхши билар эди.

1551 йил 15 август куни (хижрий 958 йили) Синан пошшо билан Тургут пошшо Триполини озод қилишга муваффақ бўлишди. Тургут пошшо душмандан тозаланган Триполи шаҳрининг ҳокими лавозимига тайинланди.

1552 йили (хижрий 960 йили) Тургут пошшо Понцо яқинидаги мухорабада галаба қозониб, душман флотини тор-мор қилтирганча унинг еттита кемасини ўлжа олди. Шундан сўнг у Неаполь қаршисидаги Капри оролини забт этиш мақсадида сафарга чиқди. Орол душмандан тортиб олинганча икки ой давом этган кураш натижасида Тиран(Тиран - Акаба қўрғазини Кизил денгиз билан боғлаган бўғоз.) бўғозини қўлга киритди. Тунис томон йўл олган Тургут пошшо Гафса шаҳрини озод этди. Яна денгизнинг шимол томонига ўтиб, иккинчи Сицилия ороли - Катанияни забт этди. У ердан Корсика оролига ўтиб, салиб юришчиларнинг етти мингдан зиёдини ер тишлатиб, етти мингга якин мусулмонни асирликдан озод қилади.

1560 йили (хижрий 968 йили) Туниснинг Жерба ороли кахрамон мужоҳидимиз Тургут раис томонидан янги жасорат намоён этилган жанггоҳга айланди. Ушбу оролда салиб юришчилари билан мусулмонлар ўртасида катта жанг бўлиб ўтди. Ушбу жанг бутун дунё тарихида жиддий аҳамиятга эга бўлган буюк мухорабалардан бири саналади. Гап шундаки, Триполини Тургут пошшодан тортиб олмоқчи бўлган Испания, Венеция қиролликлари, Мальта ордени рицарлари, Генуя Республикаси, Савой герцоглиги ва Папа давлати тасарруфидаги ҳарбий-денгиз флотлари бирлашиб, Жерба оролига йигилди. Усманийлар давлатининг Пиёла пошшо билан Тургут пошшо қўмондонлигидаги Исломий флоти оролга етиб келганча, денгиз мухорабасининг хотимаси бир неча соат

ичида мусулмонлар фойдасига хал бўлди-колди. Жанг натижасида салиб юришчилари кўмондонларининг карийб ярми асир олинди ёки денгизга гарк бўлиб ўлди. Умумий ҳисобда христианларнинг ўн саккиз мингдан зиёд жангчиси баликка ем бўлди. Гарк бўлмаганлари эса ушбу оролда жангга бир неча кун колганда куриб битказилган қасрларга бекиниб олишди. Уч ой давом этган камал ҳолатидан сўнг душман гарнизони таслим бўлди. Пиёла пошшо беш мингдан зиёд асирни халифалик пойтахти Истамбулга йўллади. Улар орасида жанг майдонини ташлаб қочган биринчи кўмондон ўрнига кўмондонлик вазифасини ўз зиммасига олган Альваро де Санде ҳам бор эди.

Жерба соҳилига кадам босган мусулмонлар салиб юришчиларининг орол ҳудудини босиб кетган минг-минглаб мурдаларини кўришди. Тургут пошшо ўлган босқинчиларнинг бош суякларидан бўйи уч метрга етган минора қурдирди. Ушбу минорага Жерба учун жанг шарафига «калла минора» деган ном берилиб, келгусида калласига Ислом давлатларига ҳужум қилиш фикри келганлар учун аччиқ қисмат рамзига айланди.

1848 йили (ҳижрий 1265 йили) бир гуруҳ Жерба насронийлари Тунис ҳукмдорига илтимосла мурожаат қилиб, ўз диндош биродарларининг гишт сифатида ишлатилган бош суяк ва устухонларини чиқариб, дафн этишга ижозат сўрашади. Шундан сўнг «калла минора» вайрон қилиниб, ўрнига ёдгорлик тоши ўрнатилди. Уша тош Жерба оролида ҳозир ҳам турибди.

1565 йили (ҳижрий 972 йили) ҳикоямизнинг саксон ёшдан ўтган қаҳрамони Тургут раис салиб юришчилардан иборат жиноий орден тўдаларининг маркази саналган Мальта оролидаги жанг майдонида ҳақиқий қаҳрамон мужоҳиддай ҳалок бўлди. Биз уни Аллох йўлида шаҳид кетди деб ҳисоблаймиз, Аллох эса кўпроқ билгувчидир. Салиб юришчилар; Тургут пошшо ҳалок бўлган жойга «Драгут нуктаси» деган ном беришди Ушбу нукта Мальта Республикасида бугунги кунгача сақланиб келмокда «Мўминлар орасидаўзлари Аллохга берган аҳду паймонларига содих бўлган кишилар бордир. Бас, улардан айрим кишилар ўз аҳдига вафо қилди, уларнинг айримлари эса интизордир. Улар ўз аҳдларини ўзгартирганлари йўк».(«Ахзоб» сураси, 33:23.)

Тургут пошшо ҳалок бўлгач, унинг денгизчилари артиллерия қуролларидан ўт очиб, салиб юришчиларига оғир талафотлар етказганча, орден рицарларининг пойтахтини вайрон қилиб ташлашди. Қаҳрамон мужоҳид Тургут раиснинг жасади Ливия пойтахти Триполига келтирилиб, ушбу қадимий Исломий шаҳар заминига дафн этилди. Тургут раиснинг Триполида қурган кўпдан-кўп маданий иншоотлари унинг улугсифат инсон бўлганидан далолат беради. «Драгут пошшо масжиди» деб аталадиган жоме масжиди ҳозир ҳам фаолият юритмокда. Унда амалга оширилаётган ҳар бир руку, ҳар бир сажда, масжид муаззинлари айтаётган ҳар бир азон ушбу қадимий Исломий шаҳар салиб юришчиларидан озод қилинган Ислом умматининг буюк қаҳрамони Тургут пошшо розияллоху анхуни эслатиб боради.

Ливия... Ушбу ўлка ҳам Шимолий Африкадаги бошқа давлатлар каби юзлаб йиллар давомида Исломий ҳарбий-денгиз қучларининг вужудга келиб, турлича шаклланиб боришини кўрди. Бу юрт салиб юришчи-ларининг доимий нишони бўлиб келган.

Бинобарин, уни йигирманчи аср бошида Италия босқинчилари босиб олган.

Ливия оккупациясининг тарихи қандай бўлган? Италиялик босқинчиларга қарши қураш учун ўлка қумлигидан чиққан ливиялик буюк қаҳрамон қим эди? Қандай қилиб етмиш ёшли қария фашистлар Италиясининг армиясини яқсон қила билди? Исми озодлик учун қураш ва эркинлик рамзига айланган ливиялик буюк арслон қим эди?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан